



## CORRUPTION — THE DESTRUCTION OF REFORM AND SOCIAL DEVELOPMENT

Eshquvatov Bobomurod <sup>1</sup>

<sup>1</sup> Tashkent State University of Law,

student of the theory and practice of criminal law

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4738381>

### ARTICLE INFO

Received: 20<sup>th</sup> April 2021

Accepted: 25<sup>th</sup> April 2021

Online: 30<sup>th</sup> April 2021

### KEY WORDS

*The concept of bribery, corruption, corruption risk, normative-legal documents*

### ABSTRACT

*This article highlights the urgency of the issue of combating corruption in the reforms today, the main theoretical concepts that play an important role in the study of corruption in this area.*

## КОРРУПЦИЯ - ИСЛОҲОТЛАР ВА ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШНИНГ КУШАНДАСИ

Эшқуватов Бобомурод <sup>1</sup>

<sup>1</sup> Тошкент давлат юридик университети Жиноят қонунчилигини қўллаш назарияси ва амалиёти мутахассислиги талабаси

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 20-aprel 2021

Ma'qullandi: 25-aprel 2021

Chop etildi: 30-aprel 2021

### KALIT SO'ZLAR

*Порахўрлик, коррупция, коррупциявий хавф-хатар тушунчаси, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар*

### ANNOTATSIYA

*Ушбу мақолада бугунги кунда ислохотларда коррупцияга қарши курашиш масаласининг долзарблиги, мазкур соҳани коррупциявий жихатларини ўрганишида муҳим аҳамият касб этадиган асосий назарий тушунчалар ёритилган.*

Халқаро ҳужжатларда биринчи бор коррупция тушунчасига БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1979 йил 17-декабрда қабул қилинган “Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодекси”да тўхталинган бўлиб, унда коррупция деганда “... мансабдор шахснинг ҳар

қандайшаклдаги мукофот эвазига ўз мансаб ваколатлари доирасида мазкур мукофотни берувчи шахс манфаатларини кўзлаб, лавозим йўриқномаси қоидаларини бузган ҳолда ёки бузмасдан муайян ҳаракатларни бажариши ёки ҳаракатсизлиги”<sup>1</sup> тушунилади дейилган.

<sup>1</sup> Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка (Принят резолюцией Генеральной

Ассамблеи от 17 декабря 1979 г.).



БМТ Бош Ассамблеясининг 1990 йил Гаванада коррупция муаммоларига бағишлаб ўтказилган минтақалараро семинарида қабул қилинган Давлат хизматчилари учун халқаро хулқ-атвор кодексида “коррупция бу мансабдор шахсларнинг шахсий ёки гуруҳ манфаатини кўзлаб мансабини суиистеъмол қилиш, шунингдек, давлат хизматчилари томонидан ўзлари эгаллаб турган хизмат вазифаларидан ғайриқонуний фойдаланиш кўринишларидир” дейилади.<sup>2</sup>

Мамлакатимизда коррупциявий жиноятларга қарши кураш бўйича сўнги йилларда салмоқли натижаларга эришилиб ушбу соҳада қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Аввало, 2017-йил 3 январь куни “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги тўғрисидаги Қонуни, “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5729 сонли Фармони асосида Қоррупцияга қарши кураш Давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-6013-сон Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, коррупция ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида давлат ҳамда унинг бошқарув соҳасидаги мансабдор шахслари пайдо бўлиши билан вужудга келган.

“Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги тўғрисидаги Қонунга кўра, қонунчиликда айрим терминлар

коррупция, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик, манфаатлар тўқнашуви каби тушунчалар киритилди.

Қонуннинг 5-моддасига кўра, Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

Коррупциявий жиноятларга қарши кураш дунёнинг кўплаб мамлакатларини қамраб олмоқда. Коррупциявий жиноятларга қарши кураш масаласи хорижий давлатлар ва Халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилиши ҳам ушбу соҳада муҳим қадам бўлади. Ўзбекистон ҳам коррупция қарши кураш мақсадида ривожланган давлатларнинг ушбу соҳа бўйича қонунчилигини миллий қонучиликка имплементация қилиши ҳам соҳада маълум ютуқларга сабаб бўлиши мумкин.

Порахўрлик — бошқарув органлари фаолияти тартибига қарши қаратилган уч мустақил мансабдорлик жиноятлари — пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилишни ўз ичига оладиган тушунчадир. Санаб ўтилган ҳар бир тажовуз ЖК 210—212-

<sup>2</sup> “Коррупция илллати глобал муаммо” Ш.Хайдаров



моддаларида назарда тутилган жиноятлар билан боғлиқ бўлмаган ҳолда содир этилиши мумкин эмас. Улар бир-бири билан шу даражада боғлиқ бўладики, пора олиш фактининг мавжуд эмаслиги пора бериш фактини ҳам истисно этади. Мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шу билан изоҳланадики, пора олиш мансабдор шахслар томонидан ўзларининг мансаб ваколатларини ижро этишнинг ўрнатилган тартибини кескин ўзгартиради ва бу билан давлат хизмати манфаатларини кўпол бузади.

Коррупция — ҳокимият ва бошқарув асосларини емирадиган, унинг аҳоли олдидаги обрўсига путур етказадиган, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қиладиган хавфли жиноий ҳодисанинг нисбатан кўп тарқалган ва ўзига хос ҳодисаси ҳисобланади. Пора олиш жиноятининг бевосита объекти ҳокимият ёки бошқарув органларининг обрўси, нормал фаолият юритишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларидир. Пул, валюта қимматликлари, қимматбаҳо буюмлар, автомобиллар ва бошқа ҳар қандай мол-мулк, озиқ-овқат маҳсулотлари, спиртли ичимликлар, антиқа буюмлар ва ҳ.к., яъни моддий қимматга ега бўлган ҳар қандай нарсалар ёхуд мулкий хусусиятдаги наф кўриш (санаторийга йўлланма, туристик йўлланма, бирон-бир пулли хизматни кўрсатиш кабилар) поранинг предмети бўлиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, коррупциявий жиноятлар ўзининг латентлиги(яширинлиги) билан ажралиб туради.

“Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги тўғрисидаги Қонуннинг 3-моддасига кўра, **коррупция** — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий

манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш дейилган. Коррупциявий жиноятлар пул ювиш (money laundering), жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар билан узвий боғлиқ.

Коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик учун жазо тайинлаш дунё мамлакатларида айнан ўша мамлакатларнинг сиёсий режими ва бошқарув шаклига кўра, тавсифланади.

Мисол тариқасида, коммунистик Хитой Халқ Республикасида мансабдор шахсларнинг порахўрлик жинояти билан кўлга тушиши уларга ўлим жазоси тайинланишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, ҳатто ўлим жазоси ҳам Хитойнинг коррупцияга қарши тўлиқ ғалабасини таъминлагани йўқ. Шу ўринда коррупцияга қарши кураш бўйича биз аввало яна бир Осиё давлати Сингапур 1965-йил 9-августида Малайзия Федерациясидан мустақилликка эришгач, ўта қисқа муддатда порахўрлик ботқоғига ботган дунёнинг қоқоқ мамлакатидан дунёнинг энг кучли иктисодига эга, коррупциявий жиноятларнинг камлиги билан ажралиб турувчи мамлакат даражасига чиқди. “Transparency International ” халқаро нодавлат ташкилотининг 2019-йилги ҳисоботида Сингапур коррупция даражаси энг паст бўлган давлатлар орасида 4-ўринни эгаллади. Ушбу мамлакатнинг тарихий ютуқларидан энг асосийлари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, аввало Сингапурда судьялар ва бошқа давлат органи мансабдорларининг мустақиллиги, уларнинг моддий аҳволи яхшиланишига



катта эътибор берилди. Иккинчидан, амалдорларнинг ноқонуний бойиганлиги факти аниқланадиган бўлса, ушбу амалдорлар давлат органларида бутун умр ишлашдан маҳрум қилинади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамалари порталида Жиноят кодексининг лойиҳаси муҳокамага қўйилган.

Янги таҳрирда қабул қилиниши кутилаётган Жиноят кодекси лойиҳаси амалдагиси каби умумий ва махсус қисмлардан ташкил топган ва жами 395 моддадан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон [қарори](#) асосида янги таҳрирда қабул қилинаётган ушбу Жиноят кодексига коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлик жиноятларининг қамрови кенгайтирилган.

Хусусан, янги таҳрирдаги Жиноят кодексининг 271-моддасида “Ноқонуний бойиш” учун жавобгарлик моддаси билан бойитилмоқда.

“Ноқонуний бойиш бу- Давлат хизматчисининг даромад ва мол-мулк декларациясида назарда тутилганидан ортиқ пул маблағлари ёки мол-мулкка ноқонуний эга бўлиши ёки шундай мулкни орттириши анча миқдорда содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача жарима ёки уч йилгача иш ҳақидан ушлаб қолиш билан жазоланади.” деб белгиланди.

Аммо шу билан бирга янги таҳрирдаги Жиноят кодекси лойиҳасида давлат хизматчиси, даромад ва мол-мулк декларацияси каби тушунчалар очиқ қолмоқда.

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка (Принят резолюцией Генеральной
2. Ассамблеи от 17 декабря 1979 г.).
3. “Коррупция иллати глобал муаммо” Ш.Хайдаров
4. Музалевская Е.А. К проблеме коррупции в высшей школе Знание. Понимание. Умение. 2007. № 4. С. 58.
5. Криминология. Учебник. Отв.редактор: Рустамбаев. М.Х. – Ташкент: ТГЮИ, 2008. – С. 219.
6. Долгова А.И. Криминология: учебное пособие. М., 1999. С 501.
7. Комиссаров В.С. Уголовно-правовые аспекты борьбы с коррупцией // Вестник МГУ. Сер. 11. 1993.№ 1. С. 26.